

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



“ХОРАЗМ ХЭТ” АЖ бош директори

С.М.Берегин

“ ” “ ” 2022 йил

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАБ ОЛИШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ

**ОБЪЕКТ НОМИ:** "Хоразм худудий электр тармоқлари" АЖга қарашли машиналар учун гараж биноси қурилиши ва бинонинг орқа тараф боғ қисмини жорий таъмирлаш".

Урганч шаҳри – 2022 йил

## Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

## Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. "Хоразм худудий электр тармоқлари" АЖга қарашли машиналар учун гараж биноси қурилиши ва бинонинг орқа тараф боғ қисмини жорий таъмирлаш".

Қурилиш объектининг бошланғич қиймати ҚҚС билан бирга ҳисобланганда: **261 583 537** (икки юз олтмиш бир миллион беш юз саксон уч минг беш юз ўттиз етти) сўм

1.1 Танлов охириги қиймати - **261 583 537** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинади.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 календар кун давомида амалга оширилади.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

2.1. "ХОРАЗМ ҲЭТ" АЖ (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Урганч шаҳар, Хонқа кўчаси 36/1 уй манзили

Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.2. Танлов "ХОРАЗМ ҲЭТ" АЖ "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловга иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

\* Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, камида 10 нафар малакали ишчи хизматчи мавжуд бўлиши ҳамда ушбу ходимларнинг электрон дафтарчаларини [my.mehnat.uz](http://my.mehnat.uz) сайтида юклаб олиниши шарт;

\* Танлов иштирокчиси етарли машина-механизмлар билан таъминланганлиги туман ёки шаҳар статистика бўлими маълумотномаси асосида;

\* Танлов иштирокчиси қурилиш соҳасида электрон рейтинг даражаси камида “DDD” ва ундан юқори бўлган қурилиш ташкилотлари мазкур танловда қатнашишига руҳсат қилинади, электрон рейтинг даражаси “DDD” дан паст бўлган ҳамда асосий фаолият соҳаси қурилиш бўлмаган оферентларга мазкур танловда қатнашишга руҳсат қилинмайди.

\* Танлов предменти бўйича қурилиш-монтаж ишларнинг физик хажмлари ва объектга ресурслар қайдномаси ҳамда асосий нарх шакллантирувчи компонентларга нархлар жадвалини тақдим қилиниши шарт;

\* Танлов предменти қийматининг камида 60 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ҳақидаги банк маълумотномаси ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этишга банк кафилиги;

\* Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига руҳсат этилмайди.

\* Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида электрон шаклдаги маълумотнома танлов эълон қилинган санага;

\* Банкдан муддати ўтган кредит қарздорлиги ҳамда бошқа қарздари мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома танлов эълон қилинган санага;

\* Танлов объектига ўхшаш объектларга ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, Охириги 3 йилги тасдиқланган қурилиш-монтаж ишларини қабул қилиш далолатномалари ҳамда камида 5 та электрон сўёт фактураларини тақдим қилишлари шарт;

\* Қурилиш майдонини ҳамда лойиха смета ҳужжатларини буюртмачи ташкилот вакили иштирокида кўздан кечирганлиги тўғрисидаги маълумотнома; (Қурилиш объектининг фото расмлари билан биргаликда)

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

\* Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

\* Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар, ҳамда бошқа кўрсаигичлар кўрсатилган бўлиши керак

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифни яэлектрон тарзда [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) махсус электрон савдо порталида жойлаши лозим.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

4.5. Танлов иштирокчиси : - ФАҚАТ БИТТА таклиф бериши мумкин;

4.6. Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларининг ҳаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.

Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан

эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.


### КЕЛИШИЛДИ

Харид комиссияси раиси :




Ш.Э.Аллазаров


Харид комиссияси аъзолари :



О.И.Раджапов




С.Р.Ғайипова



Т.Ш.Матмуратов



А.Б.Каримов




М.Ш.Назаров



А.А.Каримов

Харид комиссияси котиби:



Д.Ж.Хасанов